

1. 2

ШАРТНОМА № 1/2

Жума шаҳри

« 26 » Инварь 2022 йил

Мунис ойдин нури хусусий короҳонаси кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади ўзининг низоми, асосида иш юритувчи С.Диярова номидан, бир томондан ва Пастдарғом туман ободонлаштриш бошқармаси кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Б.Джураев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(ёқилғи)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(ёқилғи)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Ёқилғи номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Баҳоси |
|---|--------------|---------------|---------|-------|----------|
| 1 | Бензин АЛ-91 | литр | 900 | 10000 | 9000 000 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| | Жами | 1 | 1 | 1 | 9000 000 |

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 9000 000 (Тоғуғуз миллион) сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинадиган ёқилғи (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 100 % ни ташкил қилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

- 3.1.1. Ёқилғи (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Ёқилғи (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз ёқилғи (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган ёқилғининг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ёқилғи (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда ёқилғини миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.